

---

## Бағдод туманида жорий йилнинг дастлабки 3 ойида 209,2 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди

2023 йилнинг январь-март ойлари давомида Бағдод туманида фаолият юритаётган корхоналар томонидан 209,2 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан саноат ишлаб чиқаришнинг физик ҳажм индекси 102,8 фоизни ташкил этганини англатади.

Бундан ташқари:

аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари – 915,8 минг сўм;

истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 119,1 млрд. сўм;

аҳоли жон бошига истеъмол маҳсулотлари – 521,2 минг сўм;

озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 93,9 млрд. сўм;

ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 25,1 млрд. сўм;

фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари – 382 та;

янги ташкил этилган корхоналар 35 та.

**Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.**

2023-05-22 19:02:27